



2017 у.ғ. « 10 » март № 102-Қ Самарқанд ш., – г. Самарқанд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 9 февралдаги 06-247 сонли мажлис
баёни тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш ҳолати, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида”ги мажлисда берилган топшириқларнинг жойлардаги амалий ижроси бўйича” 06-247-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган шошилиш, тез тиббий ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, дорихоналарда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нархларда соғилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасини “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25- моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш ҳолати, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида”ги мажлисда берилган топшириқларнинг жойлардаги амалий ижроси бўйича” 06-247-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария тизими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришда қуйидагилар устувор йўналишлар этиб:

аҳолини тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш, республикада ишлаб чиқарилган дори воситалари ва реактивлар билан зарур миқдорда таъминлаш;

хизмат кўрсатаётган аҳоли сони, яқин масофадаги тармоқли, поликлиника ёки оилавий поликлиника мавжудлигини инобатга олган ҳолда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини 50 фоизгача қисқартириш;

қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш натижасида иқтисод қилинган маблағларни қолган қишлоқ врачлик пунктларида тиббий хизмат турларини кенгайтириш, тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминлаш, фаолиятини туну-кун ташкил этиш, шифокорларни моддий рағбатлантириш, уй-жой билан таъминлаш мақсадларига йўналтириш;

вилоят, туман тиббиёт муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш, вилоят ва туман тиббиёт муассасаларидаги юқори малакали мутахассисларни қишлоқ врачлик пунктларига бириктириш ва режа асосида у ерда фаолият кўрсатишини таъминлаш;

қишлоқ врачлик пунктларини тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминлаш мақсадида уларни лизинг асосида харид қилиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Хар ҳафтанинг шанба кунлари вилоятда “Соғлиқни сақлаш ва дорихоналар куни” деб белгилаб қўйилсин ва шу куни вилоятдаги масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида чуқур танқидий муҳокама йиғилишлари ўтказиб борилсин.

4. Вилоятдаги мақбуллаштирилаётган қишлоқ врачлик пунктлар ва янгидан ташкил этилаётган поликлиникалар учун вилоят соғлиқни сақлаш ва молия бошқармалари масъул эканлиги қайд этилсин.

5. Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (А.Каримов)га:

2017 йил вилоят маҳаллий бюджет параметрларида соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳисобидан штат жадвалларини тузиш ва смета харажатларини рўйхатдан ўтказиш даврида бир бирини такрорловчи ҳамда мақсадсиз харажатларни мақбуллаштириш;

қишлоқ врачлик пунктларини фаолиятини тугатиш ҳисобига қисқараётган штат бирликлари маблағларини оптималлаштириш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги оптималлаштирилган маблағларни янги ташкил бўлган бирламчи тиббий санитария хизмати муассасаларида тиббий хизмат турларини кенгайтиришга, қишлоқ врачлик пунктларига ажратиладиган тиббий хизмат машиналарини ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашга, тор соҳа мутахассислари билан таъминлаш харажатларига, моддий-техника базасини ривожлантириш, дори-дармон харажатларини оширишга йўналтириш;

қишлоқ врачлик пунктлари харажатлар сметасидаги моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан шифокор ва ҳамшираларни тунги вақтда ишлаган иш соатлари учун агар ички тартибида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, асосий иш ҳақиға нисбатан 50 фоиз миқдорида, умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираларига иш ҳақиға 30 фоизгача қўшимча устамалар ажратиш вазифалари топширилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (А.Каримов), соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Джураев), назорат-тафтиш бошқармаси (И.Маманов), газначилик бошқармаси (Ш.Абляров) томонидан соғлиқни сақлаш тизимидаги оптималлаштирилган маҳаллий бюджет маблағларини бюджет қонунчилиги доирасида сарфланиши устидан назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳларини тuzсин.

7. Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган шошилиш, тез тиббий ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, дорихоналарда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нархларда сотилиши бўйича чора-тадбирлар Дастури 1-иловага (кейинги ўринларда вилоят дастури деб юритилади), дастурни амалга ошириш бўйича ташкилий комиссияси 2-иловага, дастурни мониторинг қилиш гуруҳи 3-иловага;

вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш ҳамда молия бошқармалари, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда тақдим этилган таклифлар асосида мақбуллаштирилиб, сақланиб қолинаётган қишлоқ врачлик пунктлари рўйхати 4-иловага, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида фаолияти янгитдан қўйиладиган поликлиникалар рўйхати 5-иловага, фаолияти тугатилаётган қишлоқ врачлик пунктлари 6-иловага, соғлиқни сақлаш соҳасидаги иқтисод қилинган ва мақбуллаштирилган маблағлар тўғрисидаги маълумот 7-иловага, вилоятдаги дорихоналарда дори-дармон воситаларини белгиланган нархларда сотилиши, санитария қоида-меъёрларига ва лицензия талабларига жавоб берилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 8-иловага, вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларининг ва дорихоналарнинг аҳолига хизмат кўрсатиш фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси 9-иловага, туман тиббиёт бирлашмалари фаолиятини яхшилаш мақсадида вилоят даволаш-профилактика муассасаларидан бириктирилган масъуллар рўйхати 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (А.Каримов) соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Джураев) билан биргаликда муассасалар дислокациясидан келиб чиққан ҳолда, тез тиббий ёрдам шахобчаларини ташкил этилиши бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф киритиш белгилаб қўйилсин.

9. Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (А.Каримов) ва соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Джураев)га:

мақбуллаштиришга тушган, намунали қишлоқ врачлик пунктлар ва янги ташкил этилаётган поликлиникаларни барча керакли тиббий, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ҳамда керакли оргтехника воситалари билан таъминлаш;

ушбу муассасаларда фаолият юритадиган мутахассислар учун белгиланган меъёр асосида штат бирликлари ажратиш масалаларини назоратга олиш;

маънан эскирган тез тиббий ёрдам автомашиналарини амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш ҳамда

лизинг ҳисобидан уларнинг ўрнини қоплаш ишларини белгиланган тартибда амалга ошириш;

туманлар ҳокимликлари билан биргаликда тиббиёт ходимларини эҳтиёжга қўра хизмат уйлари билан таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (О.Очилов)га:

тегишли ташкилотлар билан биргаликда мақбуллаштирилаётган ҳамда намунали қишлоқ врачлик пунктларини, янги ташкил этилаётган поликлиникаларни замонавий андозаларда, бугунги кун талабларига жавоб берадиган кўринишда капитал таъмирлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

ушбу тиббиёт муассасасига олиб борувчи йўлларни таъмирлаш узлуксиз электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Худайбердиев), хотин-қизлар кўмитаси раиси (Н.Раббимова)га вилоят дастурининг бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар ойнинг якунлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботларни тақдим этиб борилишини назоратга олиш топширилсин.

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти мудирини (А.Худаяров), вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасини (А.Джураев)га:

вилоятдаги маҳаллий дори-дармон ишлаб чиқарувчи лойиҳа ташаббускорлари томонидан доривор гиёҳларни қайта ишлаш, қадоқлаш, фитобарлар билан уларни аҳолига сифатли етказиб берилишини ташкил этсин;

вилоятдаги мавжуд дорихоналар, вилоят ўрмон хўжалиги (Х.Абдуллаев), мева-сабзавотчилик фермер хўжаликлари билан уч томонлама шартномалар асосида 5 гектардан ер майдонига доривор ўсимликлар экиб етиштиришни ташкил этиш;

вилоятдаги мавжуд дорихоналарда дори-дармон ва тиббий буюмлар сотилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2467-сон қарорида белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан маълумот берувчи лавҳалар ўрнатилишини ташкил этиш, бу тартибга ҳамда санитария қоида меъёр талабларига амал қилмаган хусусий дорихоналарга берилган лицензияларини амалдаги қонунчиликка асосан бекор қилиниши юзасидан вилоят ҳокимига таклифлар киритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармасида ҳамда вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасида “Ишонч телефони” фаолиятини йўлга қўйиш ва бу ҳақда вилоят оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига етказилишини таъминлаш;

мақбуллаштиришдан сўнг қоладиган қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналар ва фитобарлар фаолиятини йўлга қўйиш вазифалари топширилсин.

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосари котибият мудирини (С.Санақулов)га: вилоят дастури ижроси бўйича мониторинг гуруҳининг фаолиятини тизимли олиб бориш;

ҳар ойнинг якунлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботларни тақдим этиб борилишини таъминлаш топширилсин.

14. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ф.Кувондиқов) ҳамда Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Ғ.Маматқулов)га фаолияти тугатилаётган қишлоқ врачлик пунктларининг муҳри, бурчак штамплари ва ҳисоб-рақамларини белгиланган тартибда бекор қилиш, мақбуллаштирилаётган ва янги ташкил этилаётган бирламчи тиббиёт муассасалари учун қайта тайёрлаш ҳамда қайта очиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш вазифалари топширилсин.

15. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (З.Норқўзиев) ва статистика бошқармаси (Ж.Мейлиев) мазкур муассасаларнинг таркибий тузилмаси ўзгараётганлиги муносабати билан ҳисоботларга белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

16. Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси (А.Джураев)га: тугатилаётган қишлоқ врачлик пунктларининг мавжуд юридик мажбуриятларини ва моддий қийматликларини бириктирилаётган бирламчи тиббиёт муассасалари зиммасига ўтказилишини қонунчиликка мувофиқ топшириш қабул қилиш далолатномаларига асосан амалга оширилишини таъминлаш;

бирламчи тиббиёт муассасаларининг таркибий тузилмаларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан тегишли вазифаларни қайта тақсимлаш;

ҳодимлар штат бирликлари қисқарган ҳолларда меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган имтиёз ва тўловлар амалга оширилишини таъминлаш;

янгидан ташкил этилаётган поликлиникалар учун белгиланган меъёр асосида тор соҳа мутахассислари билан таъминлаш ва тайёрлаш чораларини кўриш;

туманлар ҳокимликлари билан келишган ҳолда бир ҳафта муддатда янги ташкил этиладиган поликлиникалар ҳамда мақбуллашган қишлоқ врачлик пунктлар мудирини лавозимига номзодларнинг шахсий маълумотномаларини тайёрлаш, суҳбатдан ўтказиш ва вилоят ҳокимлигига тақдим этиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тизимдаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларини таркибий тузилмаларини тасдиқлаш ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, моддий-техника базасини янада ривожлантириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

17. Самарқанд тиббиёт институти (А.Шамсиев)га:

Самарқанд тиббиёт институти профессор-олимларини вилоятдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими муассасаларида маслаҳат-қабул кунларини ташкил этиш;

2017 йилнинг 1 март кунидан Республика ихтисослаштирилган марказларининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда вилоятдаги соҳа мутахассислари учун жарроҳлик амалиёти ва маҳорат дарслари ўтказилишини ташкил этиш;

янги ташкил этилаётган поликлиникаларга тор мутахассислар, жумладан умумий амалиёт шифокорлари, ультратовуш текшируви врачлари, гинеколог, стоматолог, педиатр мутахассисларини қайта тайёрлаш;

институт профессор-олимлари ва соҳа мутахассислари томонидан аҳоли ўртасида тиббий-санитария ёрдами тизимида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида кенг тушунтириш олиб бориш вазифалари юклатилсин.

18. Ахборот-технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси (Н.Эшназаров), вилоят телерадиокомпанияси (Ф.Тураев), “СТВ” телевизион ижодий уюшмаси (С.Раджабов), “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев)га вилоят оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет тармоғида вилоят дастурининг мақсад ва вазифаларини, унинг асосий йўналишларини амалга ошириш борасидаги ишларни аҳоли ўртасида мунтазам равишда ва кенг ёритиш тавсия этилсин.

19. Туманлар ҳокимликларига:

3 кун муддатда вилоят дастури асосида туман дастурларини ишлаб чиқиш ва ўз қарорлари билан тасдиқлаш, бажарилишини ташкил этиш, мониторингини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш;

ушбу қарорларида 2017 йилнинг 5 март кунига қадар ўз ҳудудларида биттадан қишлоқ врачлик пунктини намунали бирламчи тиббиёт муассасасига айлантиришни кўзда тутиш;

бир ой муддатда мақбуллаштирилаётган қишлоқ врачлик пунктлар ва янги поликлиникаларни белгиланган талаб асосида ташкил этиш учун амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда барча имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш;

мақбуллаштириладиган қишлоқ врачлик пунктларида ва янги фаолияти йўлга қўйиладиган поликлиникаларда аҳолига узлуксиз тиббий хизматни таъминлаш мақсадида шифокорларга яшаш учун барча шароитларга эга бўлган 2 тадан хоналар ташкил этиш;

янги ташкил этилаётган поликлиникалар, мақбуллаштириш натижасида қайта ташкил этилаётган қишлоқ врачлик пунктлари Низомларини белгиланган тартибда қайта Давлат рўйхатидан ўтказиб, фаолияти бўйича барча меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш;

вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишган ҳолда мақбуллаштириш ҳисобига бўшайдиган кишлоқ врачлик пунктлари биноларидан мақсадли фойдаланиш бўйича таклифлар киритиш;

тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга доир амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида туман газеталарида соҳа мутахассислари билан биргаликда давра суҳбатларини ўтказиш;

худудий дастур ижроси тўғрисида ҳар ойнинг 25-санасига қадар вилоят ҳокимлигига ахборот тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Худайбердиев), вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (О.Очилов, Н.Раббимова) зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х.Окбутаев

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган шовшинч, тез тиббий ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, дорихоналарда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нархларда сотилиши бўйича чора-тадбирлар

ДАСТУРИ

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
I. Ташкилий масалалар			
1.	Мақбуллаштирилаётган қишлоқ врачлик пунктлар ва янги ташкил этилаётган поликлиникалар мудирлигига тавсия этилаётган номзодларнинг объективка-маълумотномаларини вилоят ҳокимлигига тақдим этиш ва улар билан суҳбат ўтказилишини ташкил этиш.	2017 йил 13 мартга қадар	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, нар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маърифий масалалар бўйича, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича қотибиятлари, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси.
2.	Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва соҳани ривожлантириш юзасидан селектор йиғилишлари ўтказилишини ташкил этиш.	Ҳар ҳафтада икки маротаба	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича қотибиятлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси.

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
3.	Вилоятдаги мақбуллаштирилаётган ҳамда янги ташкил этилаётган поликлиникаларда, намунали қишлоқ врачлик пунктларида амалга оширилаётган ишларни мониторинг гуруҳи томонидан ўрганиб, натижаларини вилоят ҳокимлиги соатларида муҳокама қилиб бориш.	Режа асосида, ҳар ҳафтанинг душанба кунлари	Вилоят ҳокимлиги мониторинг гуруҳи.
4.	Вилоятдаги мақбуллаштирилаётган ҳамда янги ташкил этилаётган поликлиникалар ҳудудидаги аҳоли билан ушбу жараённинг аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамияти юзасидан учрашувлар ўтказиш.	2017 йил март ойининг иккинчи ўн кунлиги	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими.
5.	Қишлоқ врачлик пунктларига аҳолига кўрсатиладиган биринчи ёрдам учун ажратиладиган дори-дармон ва тиббий буюмлар тўғрисида маълумот берувчи намуна асосидаги постерларни ўрнатилишини ташкил этиш.	2017 йил март-апрель	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими.
6.	Вилоятдаги мавжуд дорихоналар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказиб борилишини ташкил этиш.	Ҳар ҳафтанинг шанба кунлари	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси,

Т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			давлат солиқ бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Самарканд Дори-Дармон" очик акциядорлик жамияти, вилоят давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази, вилоят телерадиокомпанияси
II. Қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш, янги поликлиникалар ташкил этиш ва такомиллаштириш			
7.	Вилоятдаги 14 та туманда биттадан намунали бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини ташкил этиш.	2017 йил 20 мартга қадар	Вилоят ҳокимлиги (О.Очилов), молия бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Ягона буюртмачи хизмати инжирининг компанияси", туманлар ҳокимликлари
	Мақбуллаштириладиган қишлоқ врачлик пунктларида ва янги ташкил этиладиган поликлиникаларда қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли олиб бориш учун ҳар битта қишлоқ врачлик пунктларига биттадан вилоятдаги қурилиш ташкилотларига бириктириш. Қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш.	2017 йил 10 мартга қадар 2017 йил март	Вилоят ҳокимлиги (О.Очилов), "Ягона буюртмачи хизмати инжирининг компанияси", "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК
9.	Ташкил этиладиган намунали ҳамда мақбуллаштириладиган қишлоқ врачлик пунктларининг, янги ташкил этиладиган поликлиникаларнинг намунали	Қурилиш ишлари жараёнида	Вилоят давлат санитария нazorати маркази, "Ягона буюртмачи хизмати инжирининг компанияси", "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК, тегишли лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда

Т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	лойиҳаларини ишлаб чиқишида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 5 майдаги "Қуриладиган ва реконструкция қилинадиган даволаш профилактика муассасаларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоида ва меъёрлари тўғрисида"ги 0292-11-сонли меъёр талабларига риоя қилинишини таъминлаш.		
10.	Мақбуллаштириладиган қишлоқ врачлик пунктларида ва янги ташкил этиладиган поликлиникаларда электр энергияси ва ичимлик суви билан узлуксиз таъминланиши ва уларга олиб борадиган йўллارни талаб даражасида бўлишини алоҳида эътиборга олиш, табиий газ, суюлтирилган газга ўтказилган муассасаларни суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш.	Қурилиш ишлари жараёнида. Йил давомида	"Самаркандавтойўл" ҲЙФТ, "Самарканд электр тармоқлари" АЖ, "Сувоқава" ИЧБ, "Марказгазтаъминоғ" УК
11.	Тугатиладиган қишлоқ врачлик пунктларининг мавжуд юридик мажбуриятларини ва моддий қийматликларини бириктириладиган бирламчи тиббиёт муассасалари	2017 йил март	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, молия бошқармаси, Адлия бошқармаси

Т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	зиммасига ўтказилишини белгиланган қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш.		
12.	Бирламчи тиббиёт муассасаларининг таркибий тузилмаларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан тегишли вазифаларни қайта тақсимлаш.	2017 йил март	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, молия бошқармаси, Адлия бошқармаси
13.	Фаолияти тугатилаётган қишлоқ врачлик пунктларининг муҳри, бурчак штампларини белгиланган тартибда бекор қилиш, мақбуллаштирилаётган ва янги ташкил этилаётган бирламчи тиббиёт муассасалари учун қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш.	2017 йил март	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси
14.	Мазкур муассасаларнинг таркибий тузилмаси ўзгараётганлиги муносабати билан ҳисоботларга белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш.	2017 йил февраль-март	Вилоят ички ишлар бошқармаси
15.	Янги поликлиникалар ташкил этилиши, қишлоқ врачлик пунктларининг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан кўзда тутилган	2017 йил март	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси, статистика бошқармаси

Т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	маблагларни тегишли бюджетларга ва ҳисоботларга ўзгартиришлар киритиш.		
16.	Бирламчи тиббиёт муассасаларининг харажатлар сметаларида кўзда тутилган маблагларни мақсадли сарфланишини назорат қилиб бориш.	2017 йил март-апрель	Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси, назорат тафтиш бошқармаси
17.	Мақбуллаштириладиган қишлоқ врачлик пунктларида ва поликлиникаларда аҳолига узлуксиз тиббий хизматни таъминлаш мақсадида шифокорлар учун яшаш учун барча шароитларга эга бўлган 2 тадан хоналар ташкил этиш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, туманлар ҳокимликлари
18.	Туманлардаги уй-жойга муҳтож қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда шифокорлар учун эҳтиёжга кўра хизмат уйлари ташкил этиш.	2017 йил 1-чорақ	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК, туманлар ҳокимликлари
19.	Қишлоқ врачлик пунктлари ва янги ташкил қилинган поликлиникаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида кўшимча мутахассислар билан таъминлаш, етишмаган топ соҳа	2017 йил 1-ярим йиллик	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	мутахассисларни қайта тайёрлаш ва қишлоқ врачлик пунктлари тизимида хужжат юритилишини ихчамлаштириш, янги ташкил этилаётган поликлиникаларда ишлаш тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига таклифлар тақдим этиш.		
20.	Мақбуллаштириш ҳисобига қисқартирилган ўринлардаги тиббиёт ходимларини иш билан таъминлаш чораларини кўриш.	2017 йил 15 мартга қадар	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, молия бошқармаси, меҳнат бош бошқармаси, Самарқанд Давлат медицина институти
21.	Бирламчи тиббиёт тизимидаги мутахассисларни белгиланган тартибда кредит ҳисобига компьютер жамланмалари билан таъминлаш чораларини кўриш.	2017 йил 1-ярим йиллик	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси
22.	Вилоятдан чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган врачларни оилалари билан суҳбатлашиб, вилоятга қайтариш чораларини кўриш.	2017 йил 1-ярим йиллик	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари
23.	Мақбуллаштирилаётган қишлоқ врачлик пунктларини ва янги ташкил этилаётган поликлиникаларни эҳтиёжга асосан умумий амалиёт шифокорлари ва йўналишлар бўйича тор соҳа	2017 йил 1-чорак	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Самарқанд медицина институти

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	мутахассислари билан таъминлаш чораларини кўриш.		
III. Вилоятда ихтисослашган марказлардаги ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимидаги кадрларнинг касбий малакасини ошириш			
24.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Самарқанд Давлат медицина институтининг илмий ходимларини Республика ихтисослашган марказларда ҳамда чет давлатлардаги шундай муассасаларда малакасини оширишларини ташкил этиш.	2017 йил 1 апрелгача	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Самарқанд Давлат медицина институти
25.	Республика ихтисослашган марказларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда вилоятдаги соҳа мутахассислари учун маҳорат дарслари ўтказилишини ташкил этиш.	Тасдиқланган режа асосида	Самарқанд Давлат медицина институти
26.	Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда вилоят аҳолисига малакали ихтисослашган тиббий хизматни ташкил этиш мақсадида кардиология, эндокринология, хирургия йўналишида лор, офталмология, травматология йўналишлари бўйича туманлараро	Тасдиқланган режа асосида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят даволаш-профилактика муассасалари, Самарқанд Давлат медицина институти

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	худудий ихтисослашган бўлимларни ташкил этиш.		
27.	Самарканд Давлат медицина институти профессор-олимларини вилоятдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими муассасаларида маслаҳат-қабул кунларини ташкил этиш.	2017 йил 1-ярим йиллик	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Самарканд Давлат медицина институти
28.	Самарканд Давлат медицина институти кафедраларининг филиалларини вилоят марказига яқин бўлган Оқдарё, Тайлоқ, Жомбой ва Самарканд туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бирламчи тиббий-санитария муассасаларида ташкил этиш.	Ҳафтада бир марта, тасдиқланган режа асосида	Самарканд Давлат медицина институти, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси
29.	Вилоятдаги ихтисослашган тиббиёт муассасаларининг етуқ мутахассислари томонидан туманлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими муассасалари мутахассислари учун амалий-услубий ёрдам кўрсатиши тизимини такомиллаштириш.	2017 йил 1-чорак	Самарканд Давлат медицина институти, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимликлари
30.	Вилоятдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими муассасалари ўрта тиббиёт ходимларининг касбий кўникмалари ва малакаларини ошириш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоятдаги ихтисослашган тиббиёт муассасалари

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
31.	Вилоятдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими муассасалари ўрта тиббиёт ходимларининг касбий кўникмалари ва малакаларини ошириш.	Йил давомида, режа асосида	Самарканд Давлат медицина институти, вилоят фармацевт ва ўрта тиббиёт ходимларини малака ошириш маркази, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси
32.	Вилоятдаги мавжуд дорихоналарда дори-дармон ва тиббий буюмларни сотилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2467-сон қарорида белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда шифохоналарда даволанаётган беморларга давлат таъминотидан белгиланган дори-дармон ва тиббий буюмларни ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" ташкил этиш. Бу ҳақда вилоят телевиденияси орқали аҳолига етказиш.	Йил давомида, режа асосида	Самарканд Давлат медицина институти, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
IV. Аҳолини арзон нархдаги маҳаллий дори-дармонлар билан таъминлаш чораларини кенгайтириш			
33.	Вилоятдаги мавжуд дорихоналарда 290 турдаги дори воситалари ва 44 турдаги тиббий буюмларни белгиланган нархларда сотилишини бартараф этиш мақсадида ишчи гуруҳ тузган ҳолда дорихоналар фаолиятини ўрганиш, асоссиз равишда, хусусан, тунги вақтларда дори-дармонлар нархини оширишга йўл қўйганлик ҳолатлари аниқланганда, дорихоналарнинг лицензиясини бекор қилиш, талабга жавоб бермаган дорихоналарни ёпиш бўйича тақлифлар киритиш.	2017 йил 1 мартдан	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, вилоят давлат санитария эпидемиология назорати маркази "Самарқанд Дори-Дармон" АЖ, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси
34.	Мақбуллаштиришдан сўнг қоладиган кишлоқ врачлик пунктларда ижтимоий дорихоналар ташкил қилиш ҳамда доимий фаолиятини назорат қилиб бориш.	Белгиланган муддатда	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Самарқанд Дори-Дармон" АЖ
35.	Вилоятда 6,1 млн. АҚШ доллар миқдоридagi жами 17 та лойиҳани амалга ошириш.	2017 йил	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Самарқанд Дори-Дармон" АЖ, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

T/p	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
36.	Туманларга "Дамас" русумли автомашиналарда кўчма дорихоналарни фаолиятини кенгайтириш.	2017 йил давомида, режа асосида	"Самарқанд Дори-дармон" АЖ, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси
37.	Ҳар бир дорихонага дори воситаси ва тиббий штрих қодланган маҳсулотларни қабул қилувчи скайнер (касса аппарат) билан таъминлаш юзасидан тақлиф киритиш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Самарқанд Дори-Дармон" АЖ
38.	Ўрмон хўжаликлари томонидан етиштирилган доривор ўсимликларни сотиб олиш учун 103 гектар шундан 53 гектарга 119 тонна доривор ўсимликлар ҳамда қўшимча 50 гектар ер майдонида плантация ташкил қилиб, назматак етиштириш.	2017 йил	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, ўрмон хўжалиги, "Самарқанд Дори-Дармон" АЖ
39.	Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва даражасини ошириш мақсадида кишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш ва 5 тадан қўшимча тор соҳа мутахассисларига эга бўлган поликлиникалар ташкил этилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилишини ташкил этиш.	Режа асосида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси

Т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
V. Амалга ошириладиган тарғибот ишлари ва олиб борилаётган ислохотларни вилоят оммавий ахборот воситаларида ёритиш			
40.	Худудлардаги нурунийлар ва тиббиёт соҳасидаги меҳнат фахрийлари билан ҳамкорликда тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш.	Режа асосида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Нуруний” жамғармаси вилоят бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари
41.	Вилоятдаги мавжуд дорихоналарда дори-дармон ва тиббий буюмларни сотилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2467-сон қарорида белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда шифохоналарда даволанаётган беморларга давлат таъминотидан белгиланган дори-дармон ва тиббий буюмларни ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкил этилган “Ишонч телефони” тўғрисида ёритиб бориш.	Йил давомида	Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, туманлар ҳокимликлари, вилоят телерадиокомпанияси, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти

Т/р	Тадбирлар режаси	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
42.	Аҳолига кўрсатиладиган биринчи ёрдам учун ажратиладиган дори-дармон ва тиббий буюмлар тўғрисида роликлар тайёрлаш ва намойиш қилиш.	Йил давомида	вилоят телерадиокомпанияси, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти
43.	Вилоят телерадиокомпаниясида ҳамда “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида фуқароларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган кўрсатувларда ва рукнларда бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш муассасалари фаолиятини кенг ёритиб бориш.	Йил давомида	Вилоят телерадиокомпанияси, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти